



Тог якинида кичик бир кишлок бор эди. Шу кишлокнинг бузук бир биносида ўн уч ёшлик Ойхон отлик бир киз турар эди.

Ойхоннинг ота-онаси очарчилик йилида — бундан тўрт йил бурун ўлган эдилар. Боякиш Ойхон беш ёшлик Турдибой деган укаси билан кўш етим бўлган эди. Турдибойни онаси каби бокар эди.

Киш чоги келмиш, беш хафтадан бери кор бутун ер юзини копламиш ва теварак оппок кор билан чулганмиш эди. Ойхон онасидан бир неча мартаба: «Киш кунларда бўрилар оч колсалар, кишлокка келадилар-да, томок излайдилар», деб эшитган эди. Факат бу хам томок топмок учун ташкарига чикмокка мажбур эди.

Бир кун эрталаб Ойхон нон олмок учун бозорга борди. Нон олиб, уйига якинлашган чоғда кўркинчли товушлар, укасининг бакирган-чакирган овози эшитилди.

Ойхон чопиб уйга кирди. Укасига югурмокда бўлган бўрини кўрди. Бор кучи билан бориб, укасини кучоклаб олиб, огзи очик турган сандикка солди, чап кўли билан сандикни босиб турди.

Ойхон укасини куткармокдан бошка бир нарса тушунмас, оркасидан кулиб, севиниб келаетган бешта бўрини кўрмас эди.

Бўрилар бирдан уй ичига кирдилар-да, Ойхонга югура бошладилар. Ойхон бор кучи билан хайдамок истар эди, лекин бўрилар хар томондан ириллаб, югурушиб, тишлаб тортишар эдилар.

Ойхон танидан оккан кон билан секин-секин кучдан кетиб, йикила бошлаганин англа-англамас сандикдан узоклашди, эшик олди-гача борди.

Ортик бўрилар хурсанд эдилар. Бу гайратли киз эшик олдида кучдан қолиб йикилди. Оч бўрилар боякиш кизни еб битирдилар.

Бир неча соатдан сўнг уйига келган кишлокликлар кўрдиларки, Турдибой сандикнинг ичида пиш-пиш ухлаб ётибдир. Бечора Ойхон ўз жонини севикли укасининг ўрнига қурбон қилмишдир.